

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ» мавзусидаги**

МАЪРУЗА

Маърузачи:

Ғ.Дусмуратов

Тошкент– 2020

I-мавзу. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ


- Режа

1. Аграр секторнинг рақобатбардошлигини оширишда инновация жараёнининг аҳамияти ва роли.
2. Қишлоқ хўжалигида инновацион ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти

- **2.1. Аграр секторнинг рақобатбардошлигини оширишда инновация жараёнини аҳамияти ва роли**
-
- Глобаллашув жараёнининг кенгайиши бозор муносабатларида аграр сектор маҳсулотлари рақобатбардошлиги муаммолари ўрганилишини талаб қилади. Мамлакат ҳар хил иқлим шароитига эга эканлигини ҳисобга олиб, инновация ва инвестицияни аниқ йўналтириш учун ҳудудни бир неча гуруҳга тақсимлаш лозим.
- Биринчи гуруҳга рақобатда устунликка бир ёки бир неча инвестиция имкониятларига эга: инфрацион, инновацион ва институционал тарзда илғор ҳисобланадиган ҳудудлар киради.
- Иккинчи гуруҳга ишлаб чиқариш омиллари бўйича таққослашда устунликка эга ҳудудлар, учинчи гуруҳга чекланган устунликка эга ҳудудлар киритилади.
- Тўртинчи гуруҳ таққослаш ва рақобатда устунликка эга бўлмаган ҳудудларни ўз ичига олади.

- Шунга боғлиқ ҳолда хўжалик етиштирган ёки ишлаб чиқарган маҳсулот рақобатбардошлигини аниқлашга зарурият туғилади. Ҳозирги вақтда ҳудудлар рақобатбардошлигини миқдорий тавсифлайдиган бирорта таклиф йўқ. Ҳудудлар рақобатда устунлигининг тизимли сифати миқдорий жиҳатдан биринчи даражали аҳамиятга эга тармоқлар маҳсулотларини киритиш ва чиқариш асосида ҳамда қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлиги бўйича тўпланган маълумотларни ҳисоблаш орқали баҳоланади:
- Бунда:
- $M_{рб}$ – маҳсулотнинг рақобатбардошлик индекси;
- $M_{экс}$ – бир ҳил турдаги маҳсулотларнинг ҳудуддан ташқарига экспорт қилинган ҳажми;
- $M_{им}$ – шу турдаги маҳсулотларнинг импорт ҳажми.
- Экспорт ва импорт муносабатлари доираси кенгайган шароитда бир хил маҳсулотнинг рақобатбардошлиги юқори ҳисобланади.

Маҳсулотнинг рақобатбардошлик чизмаси



- Бозор инфратузилмаси суст ривожланиши натижасида тайёрлов соҳасида, қайта ишлаш, сақлаш ва тақсимлаш жараёнларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг кўп қисми исроф бўл-моқда.
- Аграр бозорнинг вазифаси зарурий шарт-шароитлар асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши рақобатбардошлигини оширишдан иборат.
- Қишлоқ хўжалиги корхонаси, қайта ишлаш ва сотиш тизимлари битта йирик корхонага (фирмага) бирлашиши ишчилар меҳнат ҳақини доимий ошириш имкониятини беради, жамоанинг ижтимоий муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш учун, келажакда ўз маблағи ҳисобидан ва ташқаридан маблағ киритиш, инвестиция жалб қилиш ҳисобига инновация ривожлантири-лишини таъминлайдиган даражада фойда келтиради.

- Иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги каби савдо ҳам фаолият самарадорлиги харажатга нисбатан иқтисодий самарадор-ликни таққослаш орқали аниқланади. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:
 - – сотиш рентабеллиги;
 - – фойда меъёри (капитални шакллантириш ёки активлар рентабеллиги);
 - – муомала харажатлари рентабеллиги;
 - – капитал айланиши;
 - – савдо ходимининг меҳнат унимдорлиги.
- Эслатиб ўтиш керакки, амалиётда “Маҳсулот тақсимлаш рентабеллиги” кўрсаткичига кам аҳамият берилади, у таҳлил қилинмайди. Натижада тижорат фаолияти самарадорлиги пасаяди.

- **2.2. Қишлоқ хўжалигида инновацион ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти**
-
- Қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларни ҳал этиш, хусусан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш ва сифатини ошириш фақат инновацияларни жорий этиш асосида мумкин бўлади. Лекин инновацияларни қишлоқ хўжалигига жорий этиш жуда кўп омилларни ҳисобга олишни назарда тутди. Ушбу омиллар қишлоқ хўжалик корхонаси фаолият кўрсатиш шароитларига боғлиқ ҳолда инновацион ечимларни талаб этади. Қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш учта ўзаро боғлиқ йўналишларга эга:
 - - *инновация ва инсон омили*, таълимни, илмий-тадқиқот соҳасини устивор ривожлантирганда, инновацион маҳсулотларнинг маълумотлар базаси, фермерларга ахборот-консалтинг хизматлари яратилгандагина уларнинг ўзаро таъсири самарали бўлади;

- - *биологик характердаги инновациялар*, тупроқ унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ва ҳайвонлар маҳсулдорлигини ўстиришни таъминловчи янги ишланмаларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш билан боғлиқ; бу ўзига хос йўналиш фақат қишлоқ хўжалигига хосдир;
- - *технологик характердаги инновациялар*, меҳнат унумдорлигини ва фаолият самарадорлигини кескин оширишга имкон берадиган энерго- ва ресурс тежовчи техникаларни ва илмий сиғимли технологияларни қўллаш асосида АСМ тармоқлари техник-технологик салоҳиятини такомиллаштиришни таъминлайди. Бунда АСМ тармоқларини янги техника асосида технологик модернизация қилиш тўғрисида гап бормоқда.
- Қишлоқ хўжалигига инновацияларни жорий этиш учун иқтисодий, технологик, ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув, ижтимоий-психологик омилларни ҳаракатга келтириш лозим.

- Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг инновацион моделини амалга оширишнинг стратегик йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин.
- 1. *Инновацион циклнинг барча босқичларида бизнес-лойиҳаларни узлуксиз молиялаштиришни таъминловчи молиявий институтларни яратиш.*
- 2. *Инновацион инфраструктурани шакллантириш.*
- 3. *Қишлоқ хўжалигига маслаҳат бериш тизимини ривожлантириш.* Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун шароит яратиш, шу жумладан турли даражадаги мутахассислар ва раҳбарларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини таъминлашни тақозо этади.
- 4. *АСМни маҳсулот ва технологик инновациялар асосида модернизациялаш.* Кучли рақобат шароитида кўпчилик АСМ корхоналари инновацияларга эҳтиёж сезади, лекин у юқори риск сабабли талабга мос келмайди.

- Илмий ва инновация соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларига қўйилган талаблар ва инновация соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларига қўйидагилар кирди:
- 1. Илмий ва илмий-техник ижодкорлик;
- 2. Интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш;
- Илмий, илмий-техник ва таълимнинг интеграцияси;
- Илмий ва техника соҳасидаги рақобатни қўллаб-қувватлаш;
- Илмий ривожнинг устивор йўналишлари бўйича ресурсларни концентрациялаш;
- Илмий, илмий-техник ва инновация фаолиятининг тадбирлар фаоллигини моддий рағбатлантириш;
- Халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантириш.
- Бу принципга барча илғор мамлакатлар, давлат, илмий, илмий-техника ва инновация сиёсати амал қилади. Лекин уларнинг реализация жараёнига таъсири ҳар-хил. Чунки бу соҳадаги стратегия туркуми хилма-хилдир.

**E'TIBORLARINGIZ UCHUN
RAHMAT!**